

**Жанубий Оқчадарё ва Қуйи Зарафшон водийси, географик ҳолати,
ўзлаштирилиш босқичлари мавзусига**

1.УДК.

Тадқиқотчи: Усманова Инобат Ибрагимовна. Урганч педогогика институти
“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси ўқитувчи-стажёр

+998904328775

Аннотация : Мақолада Жанубий Оқчадарё ва Қуйи Зарафшон водийсини палеогеографик ҳолати, ўзлаштирилиш босқичлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А. Толстов С.П, Виноградов А.В, Гуломов Я.Ғ, Исламов У.И, Асқаров А, Холматов Н, Оқчадарё, Қуйи Зарафшон, Жонбос 4,5, Толстов, Куняк, Уч-таган, Дарбазакир 1,2, Учаши-131, Хўжа Бустан, Кушбулақ, Султан Санжар.

Аннотация: В статье анализирован этапы освоение и палеогеографические условие Южной Акчадарье и Низовья Зарафшанских долин.

Ключевые слова. Баратов П, Маматқулов М, Рафиқов А, Толстов С.П, Виноградов А.В, Гулямов Я.Г, Исламов У.И, Асқаров А, Холматов Н, Акчадарье, Низовья Зарафшан, Жанбос 4,5, Толстов, Куняк, Уч-Таган, Дарбазакыр 1,2, Учаши 131, Хужа Бустан, Кушбулак, Султан Санжар.

Кириш. : Ўзбекистоннинг ҳудуд тузилиши тоғлик ва текислик бўлишининг тарихан таркиб топиши ер ости тебранишлари натижасидир. Географик адабиётларда қайд қилинишича, мил.авв. 25-10 миллион йиллар илгари Жанубий Оқчадарё ва Зарафшон дарёси қуйи хавзаси текислик бўлган [1].

Икки ҳудуднинг юзаси манзарасини Қизилқум сочма тўлқинсимон қум уюмлари, барҳанлари ва ботиклари ва ботиклар тасвир қилади. Шунингдек, икки ҳудуднинг географик ҳолати, антропоген ландшафти ва экологик ҳолатларини Амударё ва Зарафшон дарёларининг минг-минглаб йиллар мобайнида сув таркибидаги минерал моддаларга эга бўлган лойқаларнинг ётқизилиши натижасида ҳосил бўлган текисликда ўз аксини топган. Мазкур мақолада Амударё ва Зарафшон дарёлари динамикаси таъсирида Жанубий

Оқчадарё хавзаси ва Қуйи Зарафшон водийсининг палеогеографик ҳолати таъсирида палеоэкология ва ўзлаштирилиш тарихини ёритиш назарга олинган бўлиб, бу жараён мил.авв. VII минг йилликнинг охири- IV минг йиллик иккинчи ярми- III минг йилликлар биринчи ярмидан иборат.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили :

1937 йил ташкил қилинган Хоразм экспедицияси илк археологик изланишларни Амударё ўнг соҳили худуди географик ҳолатини тасвир қилган Ёнбошқала баландлиги атрофлари археологик қидирув ишлари натижасида аجدодларимиз томонидан қолдирилган археологик ёдгорликларни рўйхатга олди, уларнинг баъзиларида қазилма ишларни олиб бориши илмий тадқиқот режасига киритилган. 1939-1940, 1945 йилларда Жонбосқалъа ёдгорлигидан 1,5 км жануби-ғарбида аҳоли томонидан қолдирилган маданий изида қазилма ишлари натижасида ер сатҳига, ёғоч устунли тўғрибурчак шаклда (26x7) манзилгоҳ ўрганилди, олинган ашёлар асосида Жонбос-4 этнотопономика атамасида тарих саҳифасидан ўрин олган [2,3,4]. 1954-1957 ва 1958-1961 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси Оқчадарё хавзасида археологик қидирув ишлари натижасида рўйхатга олинган Жонбос 11, 12, 13, 14, Куняк, ДЖингельди, Камиста, 42-таган Барактам-10 манзилгоҳларида қазилма ишларини олиб бориб, мил.авв. IV-III минг йилликлар биринчи ярмига оид меҳнат қуролилари, кулолчилик ашёлари, кварцит ва оҳактошдан ясалган зеб-зийнат маҳсулотларини олишга муяссар бўлинган [5.6.7.8]. Шу билан бирга, Жанубий Оқчадарё географик манзарасини тасвир қилган Қизилқум юзасида юз берган гидрологик хусусият Зарафшон дарёси сув оқими кўтарилиши муносабати билан қумтепаликлар оралиғида ботиқлар сув хавзаларига айланган. Мазкур бир-бирига уланиб кетган сув хавзалари соҳили этаклари одамзот томонидан ўзлаштирилган. Мисол тариқасида, 1940-1950 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти Я.Ф.Ғуломов раҳбарлигида археология гуруҳи Зарафшон дарёси қадимий ўзанлари Махондарё ва Гуджайли ирмоқлари атрофларида археологик қидирув ишларини олиб бориб, аҳоли манзилгоҳларини рўйхатга олган.

1950 йил ўрталаридан бошлаб, Махондарё археология гуруҳи Махондарё ва Гуджайли ирмоқлари сув тошқини натижасида вужудга келган сув хавзаси соҳили этагида тепаликка ёғоч устунли, хажми 81 м² тўғрибурчак шаклда манзилгоҳ ўрганилиб, Дарбозақир-Л атамаси билан маълум. Археологик қазилма натижасида манзилгоҳда 3 та маданий қатлам ўрганилган. Маданий қатламдан кулолчилик ашёлари, балиқ суяклари, тошбоқа қушлар тухуми пўчоқлари олинган. Худди шундай моддий ашёлар Дарбозақир-2 манзилгоҳидан олинган. Қазилма ишлари олиб борилган майдон 206 кв.м. 584 тош қуролилар ва 335 та сопол буюмлари олинган. Манзилгоҳ овчилар ва термачилар манфаатларига ҳизмат қилган [9].

1968 йилдан бошлаб, Қуйи Зарафшон водийсида Хоразм археология-этнография

экспедицияси А.В.Виноградов рахбарлигида гуруҳ ҳамда Самарқанд Давлат Университети археология кафедраси М.Журакулов рахбарлигида гуруҳ ҳамкорлигида Қуйи Зарафшон водийсида Неолит даври ёдгорликларида қазилма ишларини давом эттирдилар.

А.В.Виноградов монографиясида Жанубий Оқчадарё хавзасида Жонбос-4, Қават-5, Куняк-1, Қават-7, жанбас-32, Таджиказган 6 а, 2,3.6.10 Туямуйин худудида 1973-1974 йилларда Қушбулоқ-1, Султан Санжар 1.2, Қарриқизил 1.4, Қуйи Зарафшонда Учаси-131, Аякатима 10,11,47, 90, 12 а, 177, 178, 201, 230, Дарбозақир 1.2, зарафшон дарёси Эчкиликсой irmoғи атрофида Хужагумбаз -5, ҳамда Қуйи Сирдарё хавзасида Саксаул, Шулкум, Есен-Тюбе, Жалпак, Космола 1-6, Талас-1, Аймора-1 манзилгоҳлари тўғрисида маълумотни қайд қилган [10]. Тадқиқотчи Н.Холматов монографиясида Қуйи Зарафшон водийси географик ҳолати, экологияси ва гидрологик хусусиятлари Зарафшон дарёсини Дарёсой, Эчкиликсой, Оёқагитма, Махондарё, Хўжайли irmoқлари фаолиятлари билан боғлаб, улар сув тошқини натижасида ҳосил бўлган кичик ва катта тузкон атрофларида дарбозақир 1,2 манзилгоҳлари овчилари Оқчадарё хавзаси авжлари билан бир қаторда кундалик фаолиятларини олиб борганлиги тўғрисида хулосани қайд қилган [11].

Тадқиқот методологияси

- Обьективлик, тарихий-хронологик таҳлил, мунозара, илмий асослаш, умумлаштириш, мантикий хулоса, археология, география, геология, этнология фанлари ютуқларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Амударё сув тошқини натижасида соҳил адоғи кўтармасидан шиддат билан оқиб тушган сув оқими Қизилқум барханлари оралиғида ботиқлар ҳамда Шўроҳон қишлоғи яқинидан ажралиб чиққан Оқчадарё irmoғи Қизилқум томон 25 км узунликда ботиқлар сув хавзаларига айланганлиги боис, Шураҳон ва Султон Увайс оралиғи худудини гидрологик тузилишини намоён қилган. Сув хавзалари соҳил этаклари ўзига хос географик ҳолати, антропоген ландшафти таъсирида экологияси шаклланган эди. Амударё фаолияти натижасида Қуйи Амударё хавзаси ўнг ва сўл соҳил худудларига бўлиниб, уларнинг географик ҳолати, антропоген ландшафти, гидрологияси ва экологияси жихатидан Жанубий ва Шимолий Оқчадарёларга бўлинган.

Жанубий Оқчадарё илк шаклланганлиги боис қадимги давр, шимолий Оқчадарё ёш ҳисобланган [2]. Жанубий Оқчадарё худудига географик манзара жихатидан уланиб кетган Ғарбий Зарафшон худуди юзаси ранг баранглиги Зарафшон дарёсининг сув сатҳи кўтарилиши натижасида ундан икки ён томонга ажралиб чиққан Дарёсой, Моҳандарё, Гўжайли, Эчкиликсой, Оёқагитма, irmoқлари тасвир қилган [3].

Жанубий Оқчадарё ва Қуйи Зарафшон водийси ландшафти-иқлим шароити, экологияси шароитида одамзотнинг жойлашиши, турмуш тарзи, хўжалик соҳалари мавжуд бўлган адабиётларда маълумотларни назарий-қиёсий таҳлил қилинади.

9.Натижалар. Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Махондарё археологик гуруҳи Қуйи Зарафшон водийсида олиб борган дала амалиёти даврида Жанубий ўзан атрофларида 60, шимолида 700, Эскиликсойда – 30, Шарқий Аякагитма хавзасида 269, Ғарбий Аякагитмада эса 127 Дарёсой ирмоғи бўйлаб 200 та Неолит даврига мансуб ёдгорликлар рўйхатга олинган [4].

Хоразм экспедицияси ходими А.В.Виноградовнинг Жанубий Оқчадарёда Неолит даври Жонбос-4,5, Қават-5, Кунык-1, Қават-7, Жонбос 32, 14, 33, Таджиказған 6, 6 а, 2, 3, 6, 10 манзилгоҳларида, Қуйи Зарафшон худудида Дарбозақир 1,2, Учаши- 131, Чорбакти- 13, 14,15а, 15 б манзилгоҳларида олиб борилган археологик изланишлар натижалари қайд қилинади.

10.Хулоса ва таклифлар.

Хоразм археология-этнография экспедициясининг Оқчадарё хавзасида, Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлигида Махондарё археологик гуруҳи, Хоразм археология экспедицияси ҳамда Самарқанд Давлат Университети археология кафедраси ҳамкорлиги археология тарихининг Қуйи Зарафшон худудида неолит даври манзилгоҳларини археологик жиҳатидан ўрганилиши натижасида палеогеографик ҳолати, экология таъсирида аҳолининг жойлашиши масаласида қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин:

-Геологик жараёнлар тараққиёти натижасида Жанубий Оқчадарё хавзаси ва Қуйи Зарафшон водийси текислик бўлган.

-Ер геологиясининг Неоген давридан фаолият бошлаган Амударё ва Зарафшон дарёлари, бундан 8-7 минг йилликлардан осмонўпар тоғлардан оқиб тушган жилғалар сувини қамраб олиб, сув таркибидаги минерал моддаларга бой бўлган лойқа қатламларини ётқизиши натижасида сернам ва серунум текислик одамзотнинг жойлашиб, кундалик фаолиятларини белгилаб олиши имкониятига тайёр турган.

-Мил.авв.VII минг йиллик охири- IV минг йиллик иккинчи ярми- III минг йилликлар биринчи ярми Оқчадарё хавзаси ва Қуйи Зарафшон водийси аҳоли томонидан ўзлаштирилиб, табиий ресурслардан фойдаланиб, илк касб-корларини белгилаб олганлар, бу касб ҳозирги замонда давом этган.

Мақола натижалар асосида қуйидаги таклифлар тавсия қилинади.

-Амударё ўнг соҳили худуди оқчадарё хавзаси ҳамда Ғарбий Зарафшон

водийсининг геологик асоси яхлит, географик манзараси Қизилқум сахрои шароити тасвир қилган географик кенгликда истиқомат қилган аҳолининг тарихий илдизи бири билан чамбарчас боғланган. Шу жихатидан олганда Қуйи Зарафшон худудида неолит даври ёдгорликлари Хоразмда “Қалтаминор маданияти” номида қайд қилинган.

-Жанубий Оқчадарё ва Қуйи Зарафшон водийси худудларида жойлашган аҳолининг моддий ва маънавий маданияти яхлит асосда ўрганиши ҳозирги замон талабларидан бири.

-Урганч Давлат Университети ҳамда Бухоро давлат Университетлари ҳамкорлигида археологик экспедициялар ташкил этилиб, аجدодларимиз ўтмиш тарихини ўрганиш ҳозирги кун руҳига мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Баратов П, Маматкулов М, Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси-Тошкент, :Ўқитувчи, 2002-Б. 283.
2. Толстов С.П. Хорезмская археологическая экспедиция 1940 г - М.:Наука, 1946, Вып XII- С. 90-91.
- 3.Толстов С.П. Новые материалы по истории культуры древнего Хорезма (Предварительные работы Хорезмской археологической экспедиции Института истории материальной культуры АН СССР 1940 г. //ВДИ-М.:Наука 1946. Вып-1-С. 61-65.
- 4.Толстов С.П. Древний Хорезм-М.:МГУ, 1948-С. 65-59.
- 5.Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1954 г //СВ-М.:Наука, 1955. Вып 6-С. 95-103.
- 6.Толстов С.П. Хорезмская археолого-этнографическая экспедиция 1955-1956 гг //СА-М, Наука, 1958. Вып-1-С. 106-111.
- 7.Виноградов А.В. Новые неолитические находки Хорезмской экспедиции АН СССР в 1957 г //МХЭ,-М.: Наука, 1960. Вып.4-С. 63-81.
- 8.Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма-М.:Наука, 1968. Вып 8-170 с.
- 9.Гулямов Я.Г, Исламов У.И. Аскарлов А. Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в Низовьях Зарафшана-Ташкент, «Фан», 1966- С. 21-216.
- 10.Виноградов А.В. Древние охотники и рыболовы Среднеазиатского междуречья-

М, Наука, 1981. Вып. XIII.

11. Холматов Н. Ўзбекистон неолит даври жамоаларининг моддий маданияти-
Тошкент: Фан, 2007. Б. 27-31.